

## “РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг  
Марказий банкида

2018 йил “ 30 ” июль да  
48-6 рақам билан рўйхатга  
олинган.

Марказий банк раисининг  
биринчи ўринбосари  
Т.А.Ишметов



## “АГРОБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

### УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР

“Агробанк” АТБ акциядорларининг  
2018 йил 20 июндаги йиллик умумий  
йиғилишида 36-сонли баённома билан  
тасдиқланган.

Банк Кенгаши раиси ўринбосари



А.Р.Каримов

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг  
2014 йил 4-августда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида  
78-рақам билан рўйхатга олинган Уставига киритилаётган  
қўшимча ва ўзгартиришлар матни**

**1. Уставнинг 18-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“18.Банкнинг устав капитали 2 162 962 627 920 (Икки триллион бир юз олтмиш икки миллиард тўққиз юз олтмиш икки миллион олти юз йигирма етти минг тўққиз юз йигирма) сўм бўлиб, қуйидагилардан иборат:

а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 1 851 351 565 (Бир миллиард саккиз юз эллик бир миллион уч юз эллик бир минг беш юз олтмиш беш) дона;

б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар 500 000 (Беш юз минг) дона.

Банк устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялари 5 000 500 000 (Беш миллиард беш юз минг) дона акциялар, жумладан 500 000 (Беш юз минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли ва 5 000 000 000 (Беш миллиард) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

Банк акцияларининг номинал қиймати 1 168 (Бир минг бир юз олтмиш саккиз) сўм”;

**2. Уставнинг 21-банди учинчи хатбошисидан “депозитарийдаги” деган сўз чиқариб ташлансин;**

**3. Уставнинг 29-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“29.Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади”;

**4. Уставнинг 45-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“45.Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили одатда 25 июнда ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида банк Кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида, банк Бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилари мувофиқ банкнинг йиллик ҳисоботи, банк Бошқаруви ва Кенгашининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича киритилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлари ўтказиланади.

Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда банк Кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) банк Кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли”;

**5. Уставнинг 48-банди к) кичик кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“к) Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш”;

**6. Уставнинг 49-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“49.Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:

банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган ҳолларда банкнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

“Ушбу Уставнинг 48-банди “а”, “б”, “в”, “д”, “м”, “р”, “с” ва “т” кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади”;

**7. Уставнинг 57-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“57.Банк Кенгашининг аъзолари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда ва мазкур уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Банк Бошқаруви аъзолари ва унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари банк Кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар банк Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас”;

**8. Уставнинг 65-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“65.Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар банк Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Банк Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йули билан (сўров йўли билан) ёки видеоконференц-алоқа режимида банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин”;

**9. Уставнинг 68-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“68.Бошқарув раиси танлов бўйича саралаш асосида танланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва кейинчалик банк Кенгаши тасдиғига киритилади. Бошқарув раисининг ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари банк Кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади.

Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади”;

**10. Уставнинг 72-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“72.Банкнинг ҳудудий бошқармалари ва филиаллари раҳбарлари банк Бошқаруви томонидан тайинланади. Бошқарув раиси банк номидан банк филиаллари раҳбарлари билан меҳнат шартномалари тузади”.

**Банк Кенгаши раиси  
ўринбосари**



**А.Р.Каримов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БАНК НАЗОРАТИ ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИНИНГ  
39 / 6 – СОҢЛИ БАЁНИДАН КЎЧИРМА**

2018 йил 30 июль

Тошкент шаҳри

**К У Н Т А Р Т И Б И**

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг устав капитали  
2 162 962 627 920 сўм ва банк устав капиталини ошириш мақсадида  
эълон қилинган акциялари 5 000 500 000 дона миқдорида  
белгиланиши муносабати билан банк Уставига киритилган қўшимча  
ва ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида**

Банк назорати қўмитаси “Агробанк” акциядорлик тижорат банки  
томонидан мазкур масала юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини  
ўрганиб чиқиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

2. “Агробанк” акциядорлик тижорат банки устав капитали  
2 162 962 627 920 сўм ва банк устав капиталини ошириш мақсадида  
қўшимча эълон қилинган акциялари 5 000 500 000 дона миқдорида  
белгиланиши муносабати билан банк Уставига киритилган қўшимча ва  
ўзгартиришлар ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилсин.

Кредит ташкилотлари  
пруденциал назорати  
департаменти директори



А. Турдалиев



# AGROBANK

"AGROBANK"  
AKSIYADORLIK  
TIJORAT BANKI

JOINT STOCK  
COMMERCIAL BANK  
"AGROBANK"

ЎЗБЕКISTОН  
КОММЕРЦИЙА  
"АГРОБАНК"

10096, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent sh., Muqimiy ko'chasi, 43  
t: (998 71) 120-88-33. Faks: (998 71) 150-53-95  
mail: headoffice@agrobank.uz  
web: www.agrobank.uz

18.11.13. шубба  
11-2-12/889

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки раёсининг  
биринчи ўринбосари  
**Т.А.Ишметовага**

**Хурматли Тимур Амнжанович !**

02

Ушбу хат билан 2018 йил 20 июнда бўлиб ўтган "Агробанк"  
акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий  
йиғилиши 36-сонли йиғилиш баённомасига асосан банк Уставига киритилган  
қўшимча ва ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим **ЭТИЛМОҚДА.**

**Илова:**

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига  
36 -сонли баённомаси уч нусхада;

"Агробанк" АТБ Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар  
матни уч нусхада.

Хурмат билан,

Банк Кенгаши раиси  
ўринбосари



**А.Р.Каримов**